КИЧИК БИЗНЕСДА ИННОВАЦИОН АУТСОРИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Тожибаев О.О.
Наманган Давлат Техника Университети докторанти
ORCID: 0009-0002-7686-3032
https://doi.org/10.5281/zenodo.17287646

Аннотация. *Мақолада аутсорсинг феномени тарихи ва трансформацияси асосида инновацион аутсорсингнинг моҳияти очиб берилган. Қадимги даврлардаги ташқи пудрат амалиётларидан бошлаб XX асрдаги BPO/ITO/KPO моделларигача бўлган эволюция қисқача тавсифланади. Инновацион аутсорсингнинг асосий драйверлари — рақамлашув, булутли хизматлар, сунъий интеллект (AI), RPA ва катта маълумотлар — корхоналарда харажатларни оптималлаштириш, жараёнларни тезлаштириш ва қиймат яратишни чуқурлаштириш имконини бериши асосланади. Анъанавий ва инновацион аутсорсинг ўртасидаги фарқлар (мақсадлар, шартномавий муносабатлар, провайдер роли ва интеграция даражаси) таққослаб таҳлил қилинади. Муаллиф стратегик шериклик, мослашувчан KPI/KBI/KIIлар ва провайдернинг R&D ҳамкор сифатидаги иштироки инновацион аутсорсинг самарадорлигини оширишини кўрсатади. Хулоса сифатида, МСПлар учун инновацион аутсорсинг рақобатбардошликни оширувчи муҳим восита экани, аммо уни жорий этишда шерик танлаш, хавфларни бошқариш ва институционал қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланади.*

Калит сўзлар: *инновацион аутсорсинг, МСП, BPO, ITO, KPO, рақамлашув, AI, RPA, булутли ҳисоблаш,.*

Abstract. *The article examines the essence of innovative outsourcing through a historical lens, tracing the evolution from early external contracting practices to modern BPO/ITO/KPO models. It identifies digitalization, cloud services, artificial intelligence (AI), robotic process automation (RPA), and big data as key drivers enabling cost optimization, process acceleration, and deeper value creation. The study contrasts traditional and innovative outsourcing across objectives, contractual arrangements, provider roles, and the depth of integration, highlighting the shift from SLA-bound execution to collaborative partnerships with flexible KPI/KBI/KII frameworks. It argues that positioning the provider as an R&D co-creator strengthens innovation outcomes. The paper concludes that for SMEs, innovative outsourcing is a critical instrument to enhance competitiveness, provided that partner selection, risk management, and institutional support are addressed strategically.*

Keywords: *innovative outsourcing, SMEs, BPO, ITO, KPO, digitalization, AI, RPA, cloud computing, competitiveness..*

Инновацион аутсорсингни ташкил этиш ва ривожалантириш моҳияти масалаларини атрофлича ўрганиш ва унинг тарқалиш ҳодисасини тавсифлашдан олдин, аутсорсингни ўзини ҳодиса сифатида ривожланиш тарихига тўхталиб ўтамиз.

Аутсорсинг атамаси асосан XX асрларда вужудга келишига қармасдан, унинг моҳияти бўлган, турли ҳил жараёнларни ташқи бажарувчиларга ўтказиш ёҳуд топшириш қадимги даврларга бориб тақалади. Жумладан, Қадимги Миср эхромларини қўрилиш даврларида (э.а. 2600 йиллар) фирванлар томонидан барпо этилган пирамидалар қурилиши, саройниг доимий таркиби кирмаган хунармандлар, тош кесувчилар ва мухандислардан иборат ташқи пудратчиларга берилиши (Lehner, M. (1997). The Complete Pyramids), Қадимги Римда солиқлар йиғиш, харбий кучлар учун махсулотларни етказиб бериш, йўл, кўприк ва акведукларни қурилиш ишларини маълум ҳақ эвазига оммавий пудратчиларга берилиши (Hopkins, K. (1980). Taxes and Trade in the Roman Empire. JRS), Хитойда Цинь ва Хан (э.а. 221-220 йиллар) сулоласи даврида, хукумат томнидан, турли оилалар ва хунармандлар гилдияларига қурол аслаҳа тайёрлаш, саройлар ва йўлларни қурилишини бажариш ишларини топширлиши, ўрта асрда Европа қироллари ва князлари ўз қўшинларини доимий сақлаш харажатларидан қочиш мақсадида, урушларда қатнашиш учун ёнланма отрядлар (кондарьерлар) дан фойдаланиши, шунингдек бу даврда Черков монастр ва бошқа ўзига тегишли биноларни қуриш учун хунарманд ва аретел (мехнат жамолари)лардан фойдланиши, Италиядаги номи чиққан савдо уйлари (масалан, Медичи) хозирги кундаги молиявий функциялар аутсоринги муқобили бўлган, хисоб-китобларни юритиш ва савдо битимларини тузишни бошқа мамлакатдаги агентларга ўтказиши (Braudel, F. (1981). Civilization and Capitalism, 15th–18th Century.), Усмонийлар империяси даври, яъни XVI–XVIII асрларда фискал функцияларни давлат аутсорсинги шаклидаги «Iltizom» амалиёти, хусусий шахсларни маълум ҳудуддан солиқ ва ўлпонларни йиғиш ҳамда белгиланган миқдорини давлат ғазнасига тўлаш ишлари (Inalcik, H. (1994). An Economic and Social History of the Ottoman Empire.) қадимги даврда аутсорсинг деб аталмаган ҳолда ҳам ташқи мутахассислага баъзи функциларни ўтказиш тамойилини акс эттирган.

Аутсоринг атамаси келиб чиқиш жараёнида яъни яқин тарих XIX–XX асрларда ҳам кўплаб мисолларнинг мавжудлиги, аутсорсингни давлар оша трансформациясига яққол далил бўла олади. Жумладан, 1930-йилларда икки буюк менежер - Генри Форд (Форд компаняси) ва Альфред Слоан (Дженерал Моторс компанияси) ўртасидаги автомобил саноатидаги қарама-қаршилик аутсорсингнинг шу даврдаги бошланғич шаклларини келиб чиқиши туртки бўлган бўлса, Жахон урушлари даврида (кўпроқ II - жахон уруши) кўплаб мамлкатлар ҳукуматлари, жумладан АҚШ ва Буюк Британия қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва ҳарбий логистика маслаларини аутсорсерларга бериши (Hira, R., & Hira, A. (2008). Outsourcing America: What's Behind Our National Crisis and How We Can Reclaim American Jobs. AMACOM.), ушбу йўналишнинг янада ривожланишига олиб келди. 1960-1970 йилларда Японияда Toyota ишлаб чиқариш тизими доирасида кичик мол етказиб берувчиларни коопреция шартлари ташқи жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилди (Womack, J. P., Jones, D. T., & Roos, D. (1990). The Machine That Changed the World. Rawson Associates.). 1962 йилда Eastman Kodak компанияси ўзининг ахборот технологиялари тизимига хизмат кўрастишни ташқи пубдратчи, IBM га ўтказшини, биринчилардан бўлиб расман тан олинган, аутсорсингга мисол сифатида келтириш мумкин. Худду шу йили Росс Перо томонидан бошқа ташкилотларга Ахборот технолгиялари сохасидаги хизматларини кўрсатишга ихтисослашган, Electronic Data Systems (EDS) компаниясига асос солинди. Бу ходисани аутсорсинг бозорини шаклланишидаги бурилиш нуқтаси сифатида олишимиз мумкин. 1967 йилда EDS компанияси General Motors билан шартнома имзолаши, узоқ муддатли

аутсорсингнинг кенг қамровли моделларини яратлишига асос сифатида хизмат қилди. (Kakabadse, A., & Kakabadse, N. (2002). Trends in outsourcing: contrasting USA and Europe. European Management Journal, 20(2), 189–198.) 1980 йилларда АҚШ ва Европанинг қатор йирик компаниялари оммавий равишда BPO-аутсорсинг, ташқи пудратчиларга бухгалтерия, мижозларга сервис хизматларини кўрсатиш ва АТ хизматларини кўрсатишни ўтказишни амалиётда қўллай бошлашди. Улардан кенг тарқалгани Офшоринг (инг. offshoring) амалиёти бўлиб, унда арзон иш кучи мавжуд мамлакатлар (Хиндистон, Филиппин) га қатор фазифаларни ўтказиш ишлари амалиётга тадбиқ этилган. (Oshri, I., Kotlarsky, J., & Willcocks, L. (2011). The Handbook of Global Outsourcing and Offshoring. Palgrave Macmillan.)

Шудай қилиб, XX асрда ҳеч бир компания ўзини барча турдаги хом ашё билан таъминловчи, маҳсулот учун барча компонентларни ишлаб чиқарадиган ва ҳоказоларни тўлиқ автоном қила олмаслиги аниқ бўлди. Натижада, ёрдамчи ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, асбобларни ишлаб чиқариш ва бошқа бир қатор функцияларни ихтисослашган фирмаларга ўтказишга қарор қилинди.

1990-йилларда Баъзи менежмент назариётчилари корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим омили корхона функцияларини бирламчи ва иккиламчи функцияларга бўлиш, сўнгра барча иккиламчи функцияларни таннарх ва маҳсулот сифати бўйича ушбу соҳадаги бозор етакчисига ўтказиш эканлигини таъкидладилар. Бу ғоя янги эмас эди, лекин бу, албатта, «вақти келган» лардан бири эди. (Аутсорсинг: создание высокопроизводительных и конкурентоспособных организаций: Учебное пособие. / проф. Аникина Б.А. таҳрири - М.: ИН-ФРА-М, 2003.- 187 б.)

Юқоридаги тарихий маълумотлар ва далилларга таяниб аутсорсингга тариф берамиз, аутсорсинг (инглизча «outside resource using», сўзма-сўз «ташқи ресурлардан фойдаланиш») бу алоҳида функциялар, жараёнлар ёки вазифаларни учинчи томон ташкилотларга ёки тегишли ваколатларга эга бўлган мутахассисларга ўтказиш бўйича бизнес амалиёти.

Шу ўринда аутсорсинг «аутсорсинг» атамасини муомалага киритилиши ва унинг тарифланишига бир назар ташлаймиз. Юқорида «аутсорсинг» инглиз тилидаги outside resource using сўзлар бирикмасидан хосил қилинган атама эканлигини кўрдик. Ушбу атамадан биринчи марта 1981 йилда ишбилармонлар адбиётида фойдаланилган бўлиб, лекин кенг тарқалиши 1989 йилдаги АТ инфратузилмаларига хизмат кўрсатишга доир IBM компанияси билан шартнома имзолаган Eastman Kodak компанияси томонидан эълон қилинган таҳлилий хисоботларини элон қилинишига келиб тақалади.

Ушбу атаманинг академик тарифини Mary C. Lacity and Leslie P. Willcocks лар томонидан 1998 йилдаги “MIS Quarterly” илмий журналининг 3 сонида чоп этилган "An empirical investigation of information technology sourcing practices." номли илмий мақоласида қуйидагича келтирилган, “Аутсорсинг – бу ташкилот томонидан илгари амалга оширган хизматларни тақдим этиш ёки бизнес жараёнларни амалга ошириш учун ташқи провайдер билан шарнома тузиш амалиётидир”. (Lacity, M. & Willcocks, L. (1998). "An empirical investigation of information technology sourcing practices." MIS Quarterly. Vol. 22, No. 3 (Sep., 1998), pp. 363-408 (46 pages) https://www.jstor.org/stable/249670).

Шунингдек Oxford University Press, томонидан 2006 йилда чопр этилган, “Oxford Dictionary of Business and Management” луғатида “Аутсорсинг – бу компаниянинг ўзи илгари бажарган вазифаларни бажариш, транзакцияларни қайта ишлаш ёки хизматларни тақдим этиш учун ташкилотни ёллаш амалиётидир” деб тариф келтирилган.

Замонавий аутсорсингнинг асосий мақсади корхона ресурсларини оптималлаштириш, харажатларни камайтириш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва ички ҳаракатларни фаолиятнинг асосий йўналишларига қаратишдир. Аутсорсинг ҳам техник, ҳам ишлаб чиқариш жиҳатларини (масалан, ИТ-сервис, логистика), шунингдек, бошқарув ва интеллектуал функцияларни (бухгалтерия ҳисоби, маркетинг, таҳлил) қамраб олиши мумкин.

1-Жадвал: Аутсорсинг шакллари



Юқоридаги жавдвалдан замонавий бизнес стратегиялари доирасида аутсорсинг бир неча шаклларга бўлинишини кўришимиз мумкин. Энг кенг тарқалгани **АТ-аутсорсинг (IT-outsourcing)**– АТ тизимларига техник хизмат кўрсатиш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва киберхавфсизликни узатиш. Юқорида мисол келитирилган Eastman Kodak компанияси биринчи бўлиб аутсорсингни шу шаклидан фойдаланган. Хозирги кунда аутсорсинг бозорини салмоқли қисмини худди шакли ташкил этмоқда. Айнан аутсорсингнинг шу шакли ўтказилган тадқиқотимизнинг асосий мавзусига узвий боғлиқлиги ва аутсорсингни шу шакли инновацион аутсорсингнинг базиси бўлганлиги сабали, бу шаклга кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Бизнес жараёнлари аутсорсинги (BPO - Business Process Outsourcing) модели ҳам машҳур бўлиб, унда бутун бизнес жараёнлари ташқи пудратчиларга топширилади: кадрлар ҳисоби (HR - Human Resources), бухгалтерия ҳисоби (барча бўғинлари ва даражалари),

мижозларга сервис хизмат кўрсатиш (аутсордаги калл марказлари, сервис бригадалари ва х.к.лар).

Мураккаб шаклдаги Тадқиқот жараёнлари аутсорсинги (KPO - Knowledge Process Outsourcing) - илмий тадқиқотлар, молиявий таҳлил ёки бизнес консалтинги каби чуқур тажриба талаб қиладиган жараёнларнинг аутсорсингидир.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш аутсорсинги, бу юқорида ва қуйида келтирилган аутсорсингнин барча шаклларни ўз ичига олиши мумкин. Ишлаб чиқариш аутсорсинги ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини таашқи провайдерларга топширишни ўз ичига олади, масалан: ***Хом ашёни қайта ишлаш.*** Бунда провайдерлар хом ашёни кейинги қайта ишлашга тайёрлашнинг тозалаш, кесиш, шакллантириш ва бошқа босқичларини ўз зиммаларига олишади. ***Компонентларни ишлаб чиқариш.*** Бунда провайдерлар якуний махсулотни йиғиш учун ишлатиладиган алоҳида қисмлар, боғланмалар ёки компонентларни ишлаб чиқаришни ўз зиммаларига оладилар. Тайёр махсулотларни йиғиш. Бунда провайдерлар ишлаб чиқарувчининг ўзи ёки бошқа провайдер томонидан ишлаб чиқарилган барча компонентларни мижознинг бренди остида тайёр махсулотга йиғиш жараёнларини ўз ичига олади. Бунга яққол мисол сифатида Foxcon компанияси томонидан асосий турдаги номдор брендлар остидаги уяли алоқа воситаларини яъни замонавий смартфонлар ва мурракаб қисмли бошқа турдаги электрон қурилмаларни йиғиш бўйича аутсорсинг хизматларини таклиф этаётганлигини кўриб чиқишимиз мумкин. Шу жараён ичида яна бир неча аусторсинг хизматлари бўлиши мумкин, ***қадоқлаш ва етказиш***, тайёр махсулотларни сотишга тайёрлаш, шу жумладан қадоқлаш, этикеткалаш ва маркировка қилиш хизматлари, ***сифат назорати***, тайёр махсулотни белгиланган сифат стандартларига жавоб беришинин таъминлаш, шунинг стандартларга жавоб беришини сертификатлаш ва х.к. каби хизматлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, логистика аутсорсинги, масалан 3PL (Third Party Logistics) – бунда провайдер (аутсорсер) ташиш, омборда сақлаш ва дистрибуция хизматларини ўз ичига олган логистика хизматлари ва 4PL (Fourth Party Logistics) – бу комлпекс модель бўлиб, бунда провайдер стратегик режалаштириш, мувофиқлаштириш (координация) ва назоратни ўз ичига олган логистикани амалага оширади.

Замонавий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг йириклашиши ҳамда ривожланиши даражасининг ўсишига тенг равишда уларга зарур бўлиши мумкин бўлган аутсорсинг хизматлар шакллари сони ҳам сифати ҳам ортиб боради.

2000 йиллардаги рақамлашитириш, глобализация ва билимлар иқтисодига ўтиш жараёниларда ананвий иқтисодиётига янги йўналишлар, изланишлар ва тадқиқотлар натижасидаги янги бизнес ишланмалар кириб келди. АҚШ ва қатор ривожланган давлатларда рақамлашган бизнесга асосланган компаниялар вужудга кела бошлади ва тез орада уларнинг капитализацияси шу кунга йирик иқтисодий “ўйинчи” бўлган бўлган ананавий компаниялардан кўп ортиб кетди. Бу яни “рақамчилар” кейинчалик IT компаниялари ривожланиш босқичида янги турдаги, ўз бизнесига мос хизматларни таклиф ва талаб қилувчи рақамлашган бозорини вужудга келтирди. Уларга хали кўпчиликка янги бўлган, умуман олдин бўлмаган ва “хозироқ” ечими топилиши керак бўлган рақамлашган хизматлар таклифи керак эди. Худди шу сабаблар натижаси ўлароқ биз юқорироқда танишган аутсорсинг ҳам замон билан ҳамнафас бўлиш учун қатор трансформацияларни бошидан кечириши керак эди. Энди аутсорсинг қолоқ тизимларга ва механизмларга суяниб

қола олмас эди ва у замон билан мослашиш учун кўпроқ инновацион ечимларга асосланган хизматларни таклиф қилиши керак эди. Аутсорсерлар хизматлар бозорига замонавий, рақобатбардош, тезлик ва сифат талабларига жавоб бера оладиган макон билан боғлиқ бўлмаган инновацион ечимлар зарур бир вақда инновацион аутсорсингни вужудга келди. Юқоридаги омиллар натижасида вужудга келган ннновацион аутсорсингнинг ўзига тўхталамиз. **Инновацион аутсорсинг** — бу асосий бизнес жараёнлари ёки функцияларни бажарилишини ташқи, энг сўнгги технологиялар, усуллар ва ёндашувлар қўллашга ихтисослашган ташкилотларга (хизмат кўрсатувчи провайдер ёҳуд аутсорсерларга) топшириш жараёнидир.

2-Жадвал. Таъсир этувчи омиллар.



Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланган инновацион ва анъанавий аутсорсинг ўртасидаги фарқларни таҳлилини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

3-Жадвал. Ннновацион ва анъанавий аутсорсинг ўртасидаги фарқларни таҳлили

Кўрсаткич	Ананавий аутсорсинг	Инновацион аутсорсинг
Мақсад	Харажатларни камайтириш	Инновацияни биргаликда яратиш
Шартнома шакли	SLA (стандартлаштирилган шакл)	Ҳамкорлик шартномаси, мосланувчан KPI талаблари
Хизмат тури	Оперцион вазифалар	Тадқиқот ва ишланмалар (R&D), рақамли трасформация ва прототиплаш
Аутсорсер (провайдер) роли	Ижрочи	Инновацион ҳамкор
Иштироки	Минимал	Буюртмачи бизнес жараёнларига чуқур интеграция

Ушбу жадвалдаги таҳлил натижаларига батафсил тўхталамиз, ананавий ва инновацион аутсорсинг ўртасидаги асосий фарқлар мақсадларни белгилаш, ўзаро таъсир табиати, вазифалар турлари ва томонларнинг жараёндаги иштирокининг чуқурлигини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Ананавий аутсорсингда асосий эътибор харажатларни оптималлаштириш ва операцион самарадорликни оширишга қаратилган. Компаниялар ўзларининг асосий фаолияти доирасига кирмайдиган бухгалтерия хисоби, техник хизмат кўрсатиш, IT қўллаб-қувватлаш, логистика ва х.к. бизнес жараёнларни ташқи бажарувчига берадилар. Бу ҳолатда буюртмачи ва аутсорсер ўртасидаги муносабатлар аниқ белгиланган шартлар, сифат стандартлари (SLA) ва ммижоз учун минимал хавф билан қатъий шартномалар асосида ўрнатилади. Ушбу моделда ташқи етказиб берувчи аутсорсер ижрочи сифатида, мижоз эса назорат қилувчи шахс сифатида ишлайди. Инновацион аутсорсингда, аксинча тубдан бошқа мантиққа асосланади – биргаликда қиймат яратиш ва инновацион ечимларни қўллаш. Бу ерда провайдер нафақат хизмат кўрсатувчи провайдерга, балки технология ва маълумотларга асосланган янги махсулотлар, бизнес моделлар ва ечимларни ишлаб чиқаришда иштирок этувчи тўлиқ ҳуқуқли ҳамкорга айланади. Ҳамкорликнинг ушбу шакли шарномавий муносабатларга янада мослашувчан ёндашувни, фақатгина транзакциявий моделдан воз кечишни ва узоқ муддатли натижаларага йўналтирилган ҳамкорликка ўтишни талаб қилади. Ананавий KPI (Key Performance Indicators – асосий самарадорлик кўрсаткичлари) ўрнига янги ғоялар ва ечимларни яратиш қобилиятини акс эттирувчи KBI (Key Business Indicators – асосий бизнес кўрсаткичлари) ёки KII (Key Innovation Indicators – асосий инновация кўрсаткичлари) қўлланилади. Ананавий ва инновацион аутсорсинг ўртасидаги хизматлар турлари ҳам фарқ қилишини жадвалда кўрдик. Агар ананавий аутсорсинг такрорланадиган, стандартлаштирилган жараёнларга йўналтирилган бўлса, инновацион аутсорсинг тадқиқот ва ишланмалар (R&D) рақамли трансформация, сунъий интеллект (AI) ва катта маълумотлар (Big Data) таҳлилини амалга ошириш, янги маҳсулотларни лойиҳалаш (жумладан IoT – Internet of Things яъни тармоқ билан боғланган физик қурилмалар, турли сенсорлар ва датчиклар билан жихозланган махсулотларни ўз ичига олган ақлли уйлар, офислар, касалларининг тана ҳолатини кузатувчи воситалар, саноатда ускуналар ҳолатини мониторинг қилиш қурилмалари ва х.к.лар), пилот лойиҳалар ва бошқаларни қамраб олади. Бу билан биргаликда томонлар ўртасидаги мослашувчанлик, келишувчанлик ва ўзаро очиқликнинг аҳамияти ошади. Бундан ташқари инновацион аутсорсингда, провайдернинг буюртмачи стратегик режалаштиришидаги чуқур иштироки алоҳида ўрин тутади. Провайдер нафақат буюртмани бажарибгина қолмай, балки бизнес-мақсадларни шакллантиришда иштирок этади, ғоялар ишлаб чиқади ва соҳага оид тадқиқот ва тажриба билан ўртоқлашади. Қатор ҳолатларда буюртмачининг бозордаги қолган рақобатчилардан фарқли томонларини яратишга ноёб технологик ечимлар беради. Бу тадқиқотлар таҳлили натижасини юқоридаги жадвалда соддароқ ҳолга келтирилди.

Ҳозирги кундаги долзарб Инновацион аутсорсингнинг асосий элементлари сифатида Илғор технологиялардан фойдаланиш, Стратегик шерикликка урғу бериш, Мослашувчанлик ва адаптивлик, Харажатларни ва таваккалчиликларни камайтиришларни келтириб ўтишимиз мумкин**.**

Илғор технологиялардан фойдаланиш деганда, технологиялар, масалан, сунъий интеллект (AI), машинани ўрганиш, роботлаштирилган жараёнларни автоматлаштириш (RPA), булутли ҳисоблаш ва катта маълумотлар бизнес вазифаларини яхшилаш ва

тезлаштиришга имкон беришини тушунамиз. ***Масалан***, компаниялар маълумотларни таҳлил қилиш ва талабни прогноз қилиш учун сунъий интеллектдан, маълумотларни сақлаш ва ишлаш учун булутли технологиялардан фойдаланиши мумкин,

Стратегик шерикликка урғу бериш деганда, Инновацион аутсорсинг фақат функцияларни ташқи тарафга топшириш эмас, балки ташқи хизмат кўрсатувчи провайдерлар билан стратегик шерикликларни йўлга қўйишни ҳам назарда тутади. Бу компанияга янги билимлар ва технологияларга кириш имконини беради, бу эса инновацияларни жорий қилиш жараёнини тезлаштиради.

Мослашувчанлик ва адаптивлик деганда, Инновацион аутсорсингнинг асосий афзаллиги — мослашувчанликка тайёр эканлигини тушуниш лозим. Компаниялар бозор ўзгаришларига тезкор жавоб беришлари ва янги шароитларга тез мослашишлари учун маълум вақт талаб қилади. Бу каби тез мослашишни инновацион аутсорсингдан фойдаланиш таъминлайди. **Харажатларни ва таваккалчиликларни камайтириш деганда,** Инновацион аутсорсинг янги технологияларни ишлаб чиқиш ва персонални ўқитиш харажатларини камайтиришга, шунингдек, уларни жорий этиш билан боғлиқ таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради. Ташқи хизмат кўрсатувчилар кўпинча керакли ресурслар ва тажрибага эга бўлиб, янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ хатолар ва йўқотишлардан қочишга имкон беради.

Юқоридаги инновацион аутсорсингни тарифлаш ва ананавий аутсорсингдан фарқларини аниқлаш жараёнида қатор функциялар, моделлар, омилларни таҳлил қилдик. Таҳлиллар ва тадқиқотлар натижаси ўлароқ инновацион аутсорсинг хозирги кундаги мавжуд турлари тўғрисида тизимланган натижалар олинди. Замонавий ибнесда қўлланилаётган инновацион аутсорсинг турлари қуйидагилардан иборат эканлигини тақиқот натижалари кўрсатмоқда: **IT-аутсорсинг**: Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, IT-инфратузилмани бошқариш, киберхавфсизлик ва фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ функцияларни аутсорсинг қилиш. Булутли сервислар, SaaS (хизмат сифатидаги дастурий таъминот), маълумотлар ва таҳлилни бошқаришни ўз ичига олади. **Бизнес жараёнларни аутсорсинг қилиш (BPO)**: Бухгалтерия, кадрлар бошқаруви, мижозларни қўллаб-қувватлаш, маркетинг ва логистика каби функцияларни аутсорсинг қилиш. Маъмурий вазифаларни автоматлаштириш учун RPA каби илғор технологиялардан фойдаланиш. **Бошқарилувчи хизматлар аутсорсинги (Managed Services):** IT-инфратузилма, хавфсизлик тизимлари, тармоқлар ва операцион тизимларни бошқариш каби муайян функцияларни аутсорсинг қилиш. **Ишлаб чиқариш аутсорсинги:** Йиғиш, ўраш ва логистика каби ишлаб чиқариш жараёнларини аутсорсинг қилиш. Робототехника ва автоматлаштиришдан фойдаланиш самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтириш имконини беради. **Тадқиқот ва ишланмалар аутсорсинги (R&D):** Компаниялар инновацияларни жорий этишни тезлаштириш ва тадқиқот ва ишланмалар харажатларини камайтириш учун тадқиқот ва ишланмаларни аутсорсинг қилади.

Инновацион аутсорсинг тез ўзгарувчан глобал муҳит шароитида бизнеснинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун тобора оммалашиб бораётган кучли воситага айланди ва айланмоқда. Бу ёндашув компанияларга харажатларни камайтириш, илғор технологиялар ва билимларга кириш имкониятига эга бўлиш, шунингдек, бозор ўзгаришларига тезкор мослашиш имкониятини беради. Бироқ, инновацион аутсорсингдан

самарали фойдаланиш учун стратегик режа ишлаб чиқиш, ишончли шерикларни танлаш ва потенциал таваккалчиликларни ҳисобга олиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Coase, R. The Nature of the Firm // *Economica*. – 1937. – № 4. – C. 386–405.
2. Williamson, O. The Economic Institutions of Capitalism. – New York: Free Press, 1985. – 450 p.
3. Quinn, J. B., Hilmer, F. Strategic Outsourcing // *Sloan Management Review*. – 1994. – Vol. 35(4). – P. 43–55.
4. Lacity, M., Willcocks, L. Information Systems Outsourcing: Theory and Practice. – Wiley, 2001. – 360 p.
5. OECD. SME and Entrepreneurship Outlook 2023. – Paris: OECD Publishing, 2023. – 250 p.
6. OECD. The Digital Transformation of SMEs. – Paris: OECD Publishing, 2021. – 180 p.
7. World Bank. Enterprise Surveys – Uzbekistan Country Profile 2022. – Washington, DC: World Bank Group, 2022.
8. UNCTAD. Digital Economy Report 2024: Value Creation and Capture. – Geneva: UNCTAD, 2024.
9. Deloitte. Global Outsourcing Survey 2022. – London: Deloitte Insights, 2022. – 45 p.
10. IT Park Uzbekistan. Annual Report 2023: IT Services Export. – Tashkent: IT Park, 2024. – 80 p.